O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.Jo

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 7-avgust • Payshanba • 94 (27.899) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Эртага Хитой пойтахти Пекин шаҳрида XXIX ёзги Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлади.

Мусобақаларда дунёнинг 205 мамлакатидан 10500 нафар спортчи иштирок этади. Улар 31 спорт тури бўйича 302 та медаллар комплекти учун кураш олиб боришади.

ОЛИМПИЯ ШАҲАРЧАСИДА ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ

Суратларда: *мамлакатимиз спорт делегацияси вакилларидан бир гуруҳи Олимпия шаҳарчасида Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Жак Рогге (ўнгдан биринчи) билан. Мустақил Ўзбекистонимиз байроғи бошқа давлатлар байроқлари қаторида 24 августгача Олимпия шаҳарчасида ҳилпираб туради!*

Beijing 2008

ПЕКИН. (ЎзА махсус мухбири Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ хабар қилади). Мамлакатимиз спорт делегацияси Хитой пойтахти Пекин шаҳридаги Олимпия шаҳарчасига жойлашди.

66 гектар майдонни эгаллаган Олимпия шаҳарчасида қирқ иккита кўпқаватли бино барпо этилди.

Анъанага кўра, Олимпия шаҳарчасининг маданий марказига айланган, расмий, маданий тадбирлар, кўргазма ва шоулар ўтказиладиган махсус ҳудудда иштирокчи мамлакатлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграб, байроғи кўтарилди.

Пекин Олимпиадасида эллик саккиз нафар ҳамюртимиз спортнинг ўн беш тури — юнон-рум ва эркин кураш, бокс, дзюдо, таэквондо (ВТФ), оғир атлетика, ўқ отиш, спорт гимнастикаси, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, трамполин, велоспорт-шоссе, сузиш, академик эшкак эшиш, енгил атлетика ва теннис беллашувларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

— Бундай ҳаяжонли маросимда илк бор қатнашмоқдаман, — дейди бокс бўйича жаҳон чемпиони Аббос Атоев. — Мадҳиямиз янграб, байроғимиз кўтарилганида, қувончдан тўлқинланиб кетдим. Биз спорт оламидаги энг нуфузли мусобақада қатнашар эканмиз, Юртбошимиз ва халқимизнинг ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қиламиз.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Рустам Қурбонов, Халқаро Олимпия қўмитасининг президенти Жак Рогге иштирок этди.

Суратлар муаллифи Анвар ИЛЯСОВ («Жаҳон» АА)

МАЛАЙЗИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Малайзия Бош атторнейи Тан Сери Абдул Ғани Патейл раҳбарлигидаги делегация 6 август куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашид Қодиров билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда, жумладан, ҳуқуқ-тартибот соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилнинг октябрь ойида Малайзияга давлат ташрифи чоғида Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида имзоланган хавфсизликни таъминлаш ва терроризмга қарши курашишда ҳамкорликка оид англашув меморандуми бу борадаги ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқди.

Учрашувда Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида ислоҳотлар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётгани, кўплаб қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, замон талаблари асосида янада такомиллаштирилаётгани қайд этилди. Жумладан, 2008 йилнинг 1 январидан мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланди.

Музокарада терроризм, экстремизм ва айирмачилик, наркотик воситаларнинг ноқонуний савдоси, трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг бошқа турларига қарши курашишда ўзаро ахборот алмашуви ва ҳамкорликни фаоллаштириш, муассасалараро ҳамкорликнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Малайзия Бош атторнейи (прокурори) мамлакатимизда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларга, суд-ҳуқуқ тизимига оид қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга юксак баҳо берди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда, — деди Тан Сери Абдул Ғани Патейл. — Бугунги учрашув Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида ўзаро ҳуқуқий муносабатларни, жумладан, халқаро терроризмга ва трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонамиз. Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Малайзия ҳукумати ўртасида ҳуқуқ соҳасидаги ҳамкорликка оид англашув меморандуми имзоланди.

Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА!!!

Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент шаҳар ҳокимлиги Жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда «Шарқ дарвозаси» деб ном олган, халқимизнинг ғурур-ифтихори бўлмиш азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилей рамзи (эмблемаси)нинг энг яхши лойиҳаси учун ЭЪЛОН ҚИЛГАН ОЧИҚ ТАНЛОВ шу йилнинг 4 сентябригача давом этади

Танлов шартлари:

— шаҳарнинг рамзи, қадимий ва замонавий обидалари, умумий ва алоҳида кўринишларини акс эттириш ва аввало Тошкентнинг жаҳон маданий мероси даражасидаги тасвирий элементини топиш ва бадиий ифодасини яратиш талаб этилади.

— таклиф этилаётган лойиҳа имкон борича қўшимча тафсилот ва эпиграфик маълумотлардан холи бўлиши («Тошкент-2200» ёзуви албатта киритилади) талаб этилади.

1. Танловда барча ҳаваскор ва профессионал ижодкорлар қатнашишлари мумкин.
2. Танлов ҳайъати ғолиб деб топган энг яхши рамз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги тадбирининг расмий эмблемаси деб тасдиқланади.
3. **Танлов ғолиблари:**

— Биринчи ўрин соҳибига **500 000** (беш юз минг) сўм;

— Иккинчи ўрин соҳибига **300 000** (уч юз минг) сўм;

— Учинчи ўрин соҳибига **200 000** (икки юз минг) сўм

пул мукофоти ва фахрий диплом билан тақдирланади.

4. Танлов иштирокчиларига Бадиий академия ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг махсус дипломлари топширилади.
5. Танлов натижалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.
6. Танловга қабул қилинган лойиҳа эскизлар эгаларига қайтарилмайди ва (муаллифлик ҳуқуқи сақланган ҳолда) мавзули кўргазмаларга тавсия этилади.

Лойиҳалар Тошкент шаҳар, Ш.Рашидов кўчаси, 40-уйда жойлашган Ўзбекистон Бадиий академияси биносида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: 256-34-07

Мустақиллик иншоотлари

ЖИЗЗАХДА «ЁШЛАР ШАҲАРЧАСИ»

У узукка қўйилган кўз мисол шаҳар ҳуснига ҳусн қўшади, ёшларнинг баркамол инсонлар бўлиб етишишларига хизмат қилади

Бир томони баланд тоғларга, бошқа томони бепаён дашту далаларга туташиб кетган, қадимий тарихга, ўзига хос қиёфага эга Жиззах шаҳри Истиқлол йилларида таниб бўлмас даражада ўзгариб, файзли, обод гўшага айланмоқда. Ёшлар йили муносабати билан бу ерда яна бир хайрли ишга қўл урилди — шаҳар марказида «Ёшлар шаҳарчаси» барпо этишга киришилди.

2-бет

ҲАР ГЎШАДА БАЙРАМ РУҲИ

Юртимизнинг ҳар гўшасида бўлгани каби Ислом оламининг улуғ мутафаккири Абдулхолиқ Ғиждувоний ватанида ҳам Мустақиллигимизнинг ўн етти йиллик байрамига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Хусусан, туман марказида кенг кўламда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Шаҳар айланма халқа йўлига асфальт ётқизилиб, Юсуф Ҳамадоний кўчасига замонавий ёритгичлар ўрнатиляпти.

— Янги хиёбон ва йўлаклар барпо этилмоқда, Ғиждувон бозори, Абдулхолиқ Ғиждувоний зиёратгоҳи атрофидаги кўкламзорлаштириш ишларида туман аҳли фаол иштирок этмоқда, — дейди туман ҳокими ўринбосари Ўткир Аминов. — Шунингдек, Файзулла Юнусов қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яқин кунларда 630 ўқувчи ўрнига эга бўлган замонавий мактаб биноси фойдаланишга топширилади. Туманнинг Соктари, Зарангари қишлоқларида саноат ва транспорт, педагогика коллежлари қурилишида жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Гишти, Сармижон, Говшун, Армичан қишлоқларида байрам арафасида янгидан-янги савдо, маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари иш бошлайди.

Хуллас, бу кўҳна замин одамлари мустақилликка шукроналик рамзи сифатида ҳар жабҳада ғайрат-шижоатни намоён этишмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ

ЎзХДП ҳаёти

ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ

Ахборот-ресурс марказлари фаолиятини ташкил этиш биз кутган самарани беради, дея таъкидлашди хоразмлик ЎзХДП фаоллари

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят ташкилотлари томонидан партия кенгашлари ҳузурида Ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш ва улар фаолиятини йўлга қўйиш борасида амалий ишлар қилинмоқда. АРМни зарур адабиётлар, қонун ҳужжатлари билан таъминлаш ва жиҳозлаш бўйича ижобий натижаларга эришилаяпти. Барча АРМ қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг электрон нусхалари билан ҳам таъминланган.

Ўзбекистон ХДП Хонқа туман кенгашида ўтказилган давра суҳбати АРМ фаолиятини янада яхшилаш, унинг фуқаролар, партия электорати ва ёшларга яқинлашиши масалаларига бағишланди.

2-бет

ЎзХДП ҳаёти

ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Аҳмаджон ВАИСОВ, Хонқа туман партия кенгаши раиси:

— Ахборот-ресурс марказлари фаолиятини янада самарали ташкил этиш мақсадида уларни тегишли китоблар, жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Бугун АРМ компьютер тўплами, факс билан таъминланган, даврий нашрлар тахламлари, DVD, телевизор ва радио мавжуд. Марказ ишини ташкил этиб борадиган ходим ҳам тайинладик. АРМ фаолияти тўғрисида фуқароларимиз ва электоратимиз вакилларини кенг хабардор қилиш мақсадида турли шаклларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораяпмиз. Улар АРМга келиб газеталар ўқишмоқда, ўзларига керакли қонунлар билан танишмоқда. АРМ фаолиятини замонавий талаблар даражасига етказиш учун адабиётларни кўпайтиришимиз зарур. Ушбу мақсадда партиямиз фаоллари, депутатларимиз имкониятларидан самарали фойдаланишни мақсад қилиб қўйганмиз.

Шарифбой ЮСУПОВ, Янгибозор туман партия кенгаши раиси:

— Бугунги давр, электорат билан ишлаш усулларини ҳар томонлама такомиллаштириш талабидан келиб чиқадиган бўлсак, Ахборот-ресурс марказлари бу борада жуда қулай тузилма сифатида вужудга келди. Замон шиддат билан ривожланиб, ўзгариб бораётган ҳозирги ахборот асрида марказлар фаолиятини такомиллаштириш, уни доимий янгилаб бориш талаб этилади. Агар шундай йўл тутмасак, марказ биз ўйлагандек натижа бермайди.

Санобар БОТИРОВА, Урганч шаҳар партия кенгаши раиси:

— Ҳар бир туман ва шаҳарда Ахборот-ресурс марказлари Интернет билан ҳам таъминланишига эришиш зарур. Чунки глобал тармоқ орқали истаган одам хоҳлаган ахборотини топиши мумкин. Адабиётлар билан таъминлаш масаласига келсак, асосий манбалар электоратимиз манфаатлари нуқтаи назаридан бойитиб борилиши зарур, деб ўйлайман. Зеро, электоратимиз вакиллари бу ерга келиб, ўзи учун барча ҳуқуқий ҳужжатлар, маълумотларни топа олишига ишонсин. Ишимизда бу жуда муҳим.

Хонқа туман партия кенгаши АРМида барча шароит яратилгани бизни жуда қувонтирди. Бу ерда ишга юқори масъулият билан ёндашилганига гувоҳ бўлдик. Энди ушбу шароитлардан аҳолига юқори малакали хизмат кўрсатишда самарали фойдалана олишимиз керак...

Давра суҳбати якунида Ахборот-ресурс марказлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларни керакли маълумотлар билан доимий тўлдириб бориш борасида тавсиялар ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз)

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясини қабул қилишдан кўзда тутилган мақсад — халқлар ва давлатлар учун ер юзида адолат тантанасига эришиш, маҳаллий, минтақавий можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш, ирқий камситишларга барҳам беришга қаратилган эди. Мана, олтмиш йилки, бу муҳим ҳужжат дунё аҳлининг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилиб келмоқда. Зеро, ўтган йиллар давомида ушбу Декларация асосий демократик тамойил ва халқаро ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг сиёсий, ҳуқуқий асосига ҳам айланди.

ЭНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ

Мазкур Декларация мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 дан ортиқ халқаро ҳужжатга қўшилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан бу соҳада қабул қилинган олтита асосий шартнома қатнашчисига айланди. Умуминсоний тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда аниқ ҳимояга қаратилган миллий қонунчилик базаси яратилди.

Қомусимизнинг 37-моддасида **«Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир»,** дейилган. Декларациянинг 23-моддасида ҳам **«Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни ўз эрки билан танлаб олиш, меҳнатнинг адолатли ва қулай шароитлари бўлиши ва ишсизликдан муҳофаза этилиш ҳуқуқига эга»**лиги уқтирилади.

Шу ўринда бир мисол: жорий йилнинг ўтган даврида вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан қатор туманларда меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Биргина Жарқўрғон туманида бўлган меҳнат бозорида 34 та корхона ва ташкилот, фермер хўжаликлари ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари ўзларида мавжуд 225 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар. Иш сўраб мурожаат қилган фуқаролардан 131 нафари доимий иш ўринларига эга бўлишди. Уларнинг 48 нафарини ёшлар ташкил этган бўлса, 50 нафари аёллардир. Меҳнатга жалб қилинганлар орасида жазони ўташ жойидан озод этилганлар ҳам бор.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг изчил амалга оширилиши инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг муҳим кафолатига айланди. Республикамизда жиноятларнинг таснифланиши тўла ўзгартирилди. Оғир жиноятлар тоифасига кирувчи жиноий хатти-ҳаракатлар салмоғи сезиларли даражада қисқартирилди. Натижада 2007 йилда озодликдан маҳрум қилиш шаклидаги жазо қўлланилган шахслар сони 2000 йилга нисбатан икки баравардан ортиқроққа қисқарди.

Судлар жиноий, фуқаролик, хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилди. Ишларни апелляция ва кассация босқичларида кўриб чиқиш, ярашув институтлари яратилди. Прокурор ва адвокат ҳуқуқларининг тенглигини таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди. Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар прокуратура органларининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришни ҳам тақозо қилди. Президентимизнинг бевосита раҳбарлигида дастлаб 1992 йилда, кейинчалик 2001 йилда «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Унга кўра фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш — прокурорнинг асосий вазифаларидан бири эканлиги белгиланди.

Ҳар бир киши ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тегишли юридик, адвокатлик хизматлари, суд орқали, шунингдек, бошқа қонун йўллари билан ҳимоя қилиши мумкин. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси фуқароси давлатнинг ҳуқуқий ҳимоясида эканлиги ҳамда мамлакат ҳудудида қонунларнинг бажарилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга дахлдор қуйи прокурорлар томонидан амалга оширилиши тамойилидан келиб чиқиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини давлат номидан назорат қилиш прокуратура идораларининг асосий фаолиятига айланди. Бу борада Сурхондарё вилоят прокуратураси томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда Ў.Ҳожиеванинг фарзандларига вилоят давлат чегара текширув ветеринария шохобчаси раҳбарлари товон пули тўламаётгани ҳақидаги аризаси ўрганилди. Аниқланишича, Ў.Ҳожиеванинг турмуш ўртоғи М.Мамадиёров мазкур шохобчада ветеринар-санитар вазифасида меҳнат қилган. У хизмат вазифасини бажараётганида вафот этади. Жабрдийда онага 1,605 миллион сўм ўрнига 1,098 миллион сўм нафақа ҳамда товон тўланган. Вилоят прокуратурасининг аралашуви билан муаммо ўз ечимини топди.

Меҳнатга яраша манфаат бўлса, ишда унум бўлиши, рўзғорга барака кириши муқаррар. Аммо, айрим мутасаддиларнинг ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қараш ҳоллари учраб турибди. Бунга «Сурхон махсус йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш» корхонасига қарашли Денов туманидаги 319-йўл бўлимини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Ўрганиш жараёнида корхона томонидан йилнинг дастлабки чорагида бажарилган ишлар режаси Қашқадарё вилоят жанубий халқаро давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослашган таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасида тасдиқланмаганлиги аниқланди. Шу боис, ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошлари ўз вақтида берилмаган. Прокуратура аралашувидан сўнг корхона ишчиларининг 1 миллион 210 минг сўмлик маоши ҳамда 258 минг сўм йўл пули ундириб берилди.

Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар тўғрисида»ги Фармони инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий, қонунчиликка оид чора-тадбирлар тизимини янада такомиллаштириш мақсадини кўзда тутади. Дарҳақиқат, бу ҳужжат инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатининг изчиллигини таъминлайди, самарадорлигини оширади. Зеро, қонун устуворлиги ислоҳотларимизнинг бош мақсадларидан бири. Ўз навбатида энг ишончли ҳимоя қонун ҳимояси ҳисобланади.

Муҳиддин ҚИЁМОВ, Сурхондарё вилоят прокурори биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси.

ЎзХДП: электорат манфаати

ЭЗГУ МАҚСАДЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

партиядошларимиз фаолиятида яққол намоён бўлаяпти

Шундай одамлар борки, уларнинг изланиши, ташаббуси ва меҳнатидан кўпчилик манфаат кўради. Бўз туманида бўлганимизда бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик. Бўзлик партиядошлар амалга ошираётган ибратли ишлар кўпчиликнинг оғирини енгил, турмушини фаровон этмоқда.

ЎзХДП аъзоси Манзурахон Саримсоқова бозор иқтисодиёти талабларини тўғри англаган, шунинг натижасида ўзи, оиласи, яқинларига фойдаси тегаётган инсон. У уч чеварга бош бўлиб, «Элга хизмат» масъулияти чекланган жамиятни ташкил қилди. Режали иш юритди. Анча вақт бўш турган бинони кўрган кўзнинг ҳаваси келадиган масканга айлантирди, ҳунарманду чеварлари тайёрлаган маҳсулотлар эл-юрт назарига тушди, уй-рўзғор буюмларига харидорлар кўпайди.

Манзурахон эришган ютуқларидан қониқмай, изланишни давом эттирди. Иш кўламини кенгайтириш, уй бекаларининг бўш вақтларидан оқилона фойдаланиш мақсадида касаначиликни кучайтирди. Бугун партиядошимиз қаторида юз нафардан зиёд хотин-қиз меҳнат қиляпти. Улардан 31 нафари ЎзХДП аъзоси. Манзурахон опа бошланғич партия ташкилоти фаолиятини ҳам намунали ташкил этган.

— Партиямиз Дастурида аҳолини иш билан таъминлаш, кам таъминланган оилалар, якка-ёлғиз кишилар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган, — дейди у. — Шуларни назарда тутиб, айнан аҳолининг муҳтож ва вақтинча ишсиз қатлами вакилларини сафимизга жалб қилишга, ногирон ва ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабар олиб, кўнгилларини кўтаришга ҳаракат қиляпмиз. Уларнинг буюртмаларини эса чеварларимиз имтиёзли нархларда бажаришади.

«Элга хизмат»чилар трикотаж матоларини тўқишни ният қилиб, турдош корхоналар тажрибаларини ўрганаяпти. Бу мақсад рўёбга чиқиши билан яна 25 иш ўрни яратилади...

Насриддинбек номли маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Тўхтахон Тешабоева эса кўпгина ишларини ЎзХДП туман кенгаши, ҳудудий партия ташкилоти билан бамаслаҳат юритади. Меҳнаткаш онахон устоз-шогирдлик асосида 50 нафар ёшга чеварликни ўргатди. Бу чеварлар тиккан кўрпалар сифати, кўркамлиги билан фабрикада тайёрланганларидан ўтса ўтадики, асло қолишмайди. Шунинг учун буюртмалар кўпайиб бормоқда. Шогирдлари Зарифахон Худойназарова, Иродахон Жўраева ва бошқалар ҳам устозлари сингари эл ҳурматига сазовор бўлишяпти.

Аҳмадобод маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи ана шундай устоз кўрган ҳунарманд Мафтунахон Абдурахмонова тиккан қизлар кўйлакларини кўрган киши уларга харидор бўлмай иложи йўқ, нафислиги, бежиримлиги билан ҳар қандай нозик дидли одамни ҳам ўзига маҳлиё этади.

Яккатол маҳалласидан Муҳаббатхон Охунова тайёрлаган зардўзлик кийимлари халқ ҳунармандчилиги санъати намунасига айланди. Маҳфузахон Эргашева эса юмшоқ матолардан турфа болалар ўйинчоқлари ясаб, кичкинтойларни хурсанд этяпти. Рустамжон Пирматов, Муроджон Абдуллаевлар ясаган мебеллар шинам ва кўркамлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ёш ҳунармандлар устозлари ишончини оқлаётганликларини ўз меҳнатлари билан намоён этишяпти.

Партиямиз Дастурида халқ ҳунармандчилиги, касаначиликни ривожлантириш орқали бўш аҳолини, уйда ўтирган аёлларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам илгари сурилган. Биз юқорида айтиб ўтган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фаол аъзолари ўз меҳнатлари билан ана шу дастурий мақсадларни амалга оширишга хизмат қилишмоқда.

Чевар қизлар қўли гул уста, ҳунарманд йигитлар мустақиллигимизнинг 17 йиллигини ана шундай муваффақиятлар билан кутиб олишмоқда. Халқ ҳунармандчилиги турлари кўпаймоқда, касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизлар хонадонига барака кириб, рўзғори фаровон бўлаяпти. Юзлаб кишилар иш билан таъминланаяпти. Бунинг натижасида уларнинг ҳаётга, меҳнатга иштиёқи, юртга муҳаббати ортаяпти. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, уларни одамлар нафақат ҳунарманд, ишбилармон, балки Ўзбекистон ҲДП фаоллари сифатида ҳам яхши билишади. Шундан фойдаланиб, улар партия дастурий ғояларини самарали тарғиб этиб келаяптилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«КАНАТ»ГА ИШТИЁҚМАНДЛАР КЎП

Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли «Зариспарк» тилло тақинчоқлар ишлаб чиқариш корхонаси 16 йилдирки, ўзининг «Канат» хилидаги зираклари билан машҳур. Жаҳоннинг «Евротрейд интернейшл»дек йирик фирмаси билан тенглаша оладиган мазкур корхона йилига 1 тоннага яқин «99.99» сифат кўрсаткичига эга соф олтинни қайта ишлаб, 500 турда ноёб зираклар тайёрлаяпти. Айниқса, корхонанинг «Канат» хилидаги билакузук, бўйин занжирлари, ёқут ҳамда марварид кўзли сирғаларига чет элликлар ниҳоятда иштиёқманд.

— Дастлабки даврда корхона атиги 14 нафар киши билан иш бошлаб, 20 га яқин турли тақинчоқлар тайёрлаган бўлса, ҳозир ишчилар сони юз нафарга яқинлашди, — дейди зираксоз технолог Фармон Қаҳҳоров. — «585» тамғали зиракларимиз тури кўпайди. Айниқса, олтин балдоқ, тилло билакузукларнинг янги дизайнлари харидорларга жуда-жуда маъқул тушаяпти...

1992-93 йилларда асос солинган корхона бугунги кунда дунёнинг «Бронниц ювилер», «Евросплав», «Спецплав», «Екатеринбургцветметалл» сингари машҳур биржалари билан ҳамкорлик қилмоқда. Тайёрланаётган зираклар тури 3-4 баробарга ортди. 2010 йилга қадар яна 50 турда янги дизайнда, жаҳон бозорибоп тақинчоқлар ишлаб чиқариш режага олинган.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЖИЗЗАХДА «ЁШЛАР ШАҲАРЧАСИ»

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Тасдиқланган бош лойиҳа бўйича Жиззах давлат педагогика институти билан политехника институти оралиғидаги 17 гектарлик майдонни эгаллайдиган ушбу шаҳарчада ёшларимизнинг ҳаёти қизғин ва маъноли кечишига хизмат қилувчи кўплаб қулайликлар бўлиши кўзда тутилган, — **дейди шаҳар меъмори Боир Сувонкулов.** — Хусусан, оилали талабалар учун турар-жой, мактабгача тарбия муассасаси, табобатхона, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, Модалар уйи, Бадиий гимнастика саройи, спорт майдончалари, «Бахтиёр ёшлар» монументи, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан шаҳарча маъмурияти бинолари, савдо ҳамда умумий овқатланиш масканлари, дам олиш ҳудуди, ранг-баранг фавворалар мажмуи, турфа хил гуллар билан безанган гулзор ва бошқа кўнгилочар масканлар бунёд этилади. Айни пайтда ишлар режа асосида кетаяпти. Насиб этса, Мустақиллик байрами арафасида шаҳарча ёшларимиз ихтиёрига топширилади.

— Истиқлол бизга тамомила янги ҳаёт ато этаяпти, — дейди Жиззах давлат педагогика институти талабаси Фарида Бобобекова. — Қаранг-а, биз учун бутун бошли шаҳарча қурилса, унда ўқишимиз, яшашимиз, бўш вақтларимизни мазмунли ўтказишимиз учун барча қулайликлар, шарт-шароитлар яратилса, инсон учун бундан ортиқ яна нима керак? Буларнинг барчаси Мустақилликнинг, у инъом этган янги ҳаётнинг шарофати-ку! Биз ҳам ўз навбатида бундай ғамхўрликка амалий иш билан — аъло ўқишимиз, ватанпарварлигимиз билан муносиб жавоб берсак, ўринли бўлади.

Бўлажак «Ёшлар шаҳарчаси» ҳудуди бугун каттагина қурилиш майдонига айланган. Ишлар жадал кетаяпти. Унда юз нафардан зиёд қурувчи-бунёдкорлар иштирок этмоқда. Бундан ташқари, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларнинг ёзги таътилдаги кўплаб талаба ва ўқувчилари ҳам ҳашарчилар сафида.

— Шаҳар ичидаги бу мўъжаз шаҳарча барпо этилгач, у наинки узукка қўйилган кўз мисоли шаҳар ҳуснига ҳусн қўшади, балки ёшларимизни турли ёт оқимларга қўшилиб қолишидан, ёмон йўлларга кириб кетишидан асрашда, жисмонан соғлом, иродали, баркамол инсонлар бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этади. Йигит-қизларимизда Истиқлолга садоқат руҳи, миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик туйғулари камол топишида тарбия маскани вазифасини ўтайди, — дейди **«Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими раиси Маматқул Иномов.** — Бунга қўшимча қилиб, шуни айтиш мумкинки, «Ёшлар шаҳарчаси» ёшлик фасли тўлақонли кечишига, ёш авлодни катта ҳаётга тайёрлашга хизмат қилади.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

✧✧✧

Суратларда: Шаҳарчанинг рамзий дарвозаси (1-бетда); «Ёшлар шаҳарчаси» кўринишидан лавҳалар.

Доногул ЖЎРАЕВА олган суратлар.

XORIJDA

ЭРОН АНИҚ ЖАВОБ БЕРМАДИ

Эрон «олтилик» давлатлари (АҚШ, Россия, Франция, Буюк Британия, Хитой ва Германия)-нинг ядро дастурига доир таклифига аниқ жавоб бермади, деб ёзади Reuters. Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат масалалари бўйича олий



комиссари Хавьер Соланага йўлланган мактубда тез орада Эрон ядро дастурини тўхтатиш бўйича «аниқ жавоб» беришини ёзган. Аммо бунинг эвазига Эрон ҳам баъзи бир саволларга «олтилик»дан худди шундай аниқ жавоб талаб қилишини қайд этган. Солананинг айтишича, «олтилик» пайшанба куни Теҳрон юборган нома бўйича йиғилиш ўтказади.

Эслатиб ўтамиз, 2 август куни Эроннинг «олтилик» таклифига жавоб бериш муддати ниҳоясига етди. «Олтилик» Эроннинг уранни бойитишни тўхтатиши эвазига ядро чиқиндиларини утилизация қилишга ёрдам бериш, атом электр станцияси қуриш ва БМТ Хавфсизлик Кенгаши жорий этган иқтисодий санкцияларни бекор қилишни ваъда қилган.

СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТЛАР ХАЙРИЯ ҚИЛИНГАН

Финляндия дўконлари Эстониянинг кам таъминланган аҳолисига эскирган озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берган, деб ёзади «Российская газета». Хабарда айтилишича, S-Каирра ва K-Каирра тармоғига қарашли дўконлар ҳар ой инсонпарварлик ташкилотларига минглаб килограмм муддати ўтган маҳсулотларни хайрия тариқасида берган. Жамғарма эса бу маҳсулотларни Эстонияда тарқатган. Финляндия инсонпарварлик ташкилоти «Идянтюйо» раҳбари Юсси Латваланинг айтишича, ташкилот жиноий жавобгарликка тортилмаслик учун сифатсиз маҳсулотни мамлакатдан ташқарига чиқариб юборган. Мазкур хабар Финляндия жамоатчилигида норозилик келтириб чиқарди.

«Европа Иттифоқи ҳудудида бундай даҳшатли ишларнинг бўлиши мумкин эмас»,— деди Эстониянинг рус ватандошлар иттифоқи раҳбари Сергей Сергеев.

Эстония ҳукумати эса масала юзасидан ҳеч қандай изоҳ берганича йўқ.

ШУБҲАЛИ ҲОДИСА

АҚШ махфий хизмати ва марказий разведка бошқармаси (МРБ) Мэриленд штати фуқароси иши бўйича тергов олиб бормоқда, деб хабар беради Си-би-эс телекомпанияси. У президент Жорж Буш қароргоҳида қароргоҳ харитаси, патрон ва 200 метр масофадан туриб ўлдириш бўйича махсус қўлланма билан қўлга олинган.

Полиция томонидан 18 яшар бу йигит — Коллин Маккензи-Гуд автоматнинг қатор турлари ва бомба тайёрлаш учун керак бўлган кимёвий моддаларни сақлашда айбланмоқда. Шунингдек, унинг ёнида МРБнинг ясама гувоҳномаси ҳам бўлган.

Монтгомери графлиги прокурори Жон Маккарти тергов жараёнига махфий хизмат ва МРБ жалб этилгани тўғрисидаги хабарни тасдиқлади. Прокурор Маккензи-Гуднинг президент ҳаётига суиқасд уюштирмоқчи бўлган-бўлмагани тўғрисидаги саволга аниқ жавоб бермади.

КАРАЖИЧ ЎЗИНИ ЎЗИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИМИ?

Халқаро трибунал прокурори Радован Каражич ишини кўриб чиқаётган ҳакамлардан айбланувчи ўзини-ўзи оқлаши мумкин бўлган тартиб-қоидани белгилаб беришини сўради, деб хабар беради АР. Бунга Каражичнинг ўз ҳимоясига хизмат қилувчи ҳужжат-далил келтиргани сабаб бўлган. Яна у адолатли суд бўлишига шубҳа қилаётганини айтган.

Эслатиб ўтамиз, Каражич 31 июль куни Гаага суди томонидан жавобгарликка тортилди. Суднинг иккинчи мажлиси 29 август куни бўлиб ўтади ва Каражич ўзини ўзи ҳимоя қилади.

СОЛЖЕНИЦИН ВАФОТ ЭТДИ

Ёзувчи Александр Солженицин 4 август куни 90 ёшида вафот этди. РИА Новости хабарига кўра, адиб жиддий юрак хасталиги туфайли ҳаётдан кўз юмган.

Солженицин улкан рус ёзувчиси, публицист ва тарихчи эди. У шўро тузуми қабоҳатларига оид асарлари билан шуҳрат қозонган. Адиб 1970 йилда «рус адабиёти анъаналарини давом эттирган маънавий салоҳияти учун» Нобель мукофоти билан тақдирланган.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

ЕТТИ ЙИЛДАН КЕЙИНГИ ДАЪВО

ёки Олий хўжалик суди томонидан иш юритиш тугатилганлиги ҳақида

Самарқандлик Юсуф Мамаризаев 2000 йил 20 ноябрда яхши ниятлар билан «5-сон қурилиш трести майдони» ОАЖдан 635 кв.метрли омборхонани сотиб олади. Табиийки, Юсуф Мамаризаев таъсисчи бўлган «Зайнаб» ШИЧСФ билан «5-сон қурилиш трести майдони» ОАЖ ўртасида ўзаро олди-сотди шартномаси имзоланди. Кўп ўтмай, яъни 2000 йил 29 декабрда собиқ Темирйўл туман ҳокими томонидан «Зайнаб» ШИЧСФга «5-сон қурилиш трести майдони» ОАЖдан 0,44 га ер майдони ажратиб берилади. Ер кадастр ҳужжатлари давлат рўйхатидан ўтказилиб, Юсуф Мамаризаевга тегишли тартибдаги гувоҳнома берилган. 2001 йил август ойида ҳисоб-китоб қилиниб, усти ёпиқ омборхонани «5-сон қурилиш трести майдони» ОАЖ балансидан «Зайнаб» ШИЧСФ балансига ўтказиш тўғрисида топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилган.

Ишлаб чиқаришни йўл қўйиб, янги иш ўринлари яратишни мақсад қилган Юсуф Мамаризаев ишга киришади. Аммо орадан тўрт йил ўтгач, «Зайнаб» ШИЧСФга қарашли ер майдонининг 0,06 га яна бир «эга» чиқади. Бундан кейинги воқеалар «ривожи» ҳақида Юсуф Мамаризаевнинг ўзи шундай дейди:

— Биз олган омборхона ташландиқ ҳолга келиб қолганлиги сабабли, аввал ичини тозалаб, қайтадан таъмирладик, шиферлари алмаштирилди. Хуллас, ишларни бошлаб юбордик. 2005 йилда эса Бахтиёр Розиқов деган шахс бизга қарашли «Зайнаб» ШИЧСФнинг омборхонасига кириб-чиқиш йўлини тўсиб олган ҳолда, қурилиш ишларини бошлаб юборибди. Пойдевор ҳам кўтариб қўйибди. Шундан сўнг Бахтиёр Розиқовнинг олдига бордим. «Бу қурилишни нега бошладингиз? Ахир, бу ер менга тегишли эканлигини биларингиз-ку. Нега бундай қилдингиз?», десам, у менга 2004 йил март ойида Самарқанд шаҳар собиқ ҳокимининг қарорини кўрсатиб: «Сизга район ҳокимияти қарор чиқариб берган бўлса, менга шаҳар ҳокимияти қарор чиқариб берди. Менинг қарорим сизнинг қарорингиздан устун туради», деди. Бу қанақаси бўлди? Ер кадастр ҳужжатларини текширмасдан қарор чиқариш мумкинми? Ўзбошимчалик билан қурилишни бошлаб юборган Бахтиёр Розиқов фаолиятига чек қўйишни сўраб, Самарқанд шаҳар ҳокимиятига мурожаат қилдик. Шундан кейин қурилиш тўхтади. 2006 йил июль ойида қурилиш яна бошланибди, деган хабар келди. Бордим. Бугал Жамол Воҳидов деган шахс қурилиш қилаётган экан. «Бизга қарашли ерда нега қурилиш бошладингиз?», деб сўраганимда унинг жавоби шундай бўлди: «Бу ерни Бахтиёр Розиқовдан 4,5 минг АҚШ долларига сотиб олганман».

У мендан ернинг ҳужжатларини сўради. Жамол Воҳидовга кадастр ҳужжатларини кўрсатдим. Шундан кейин Жамол Воҳидов ўзини алдаган Бахтиёр Розиқовни жавобгарликка тортиш учун тегишли жойга мурожаат қилишини айтди. Шундан сўнг қурилиш бир муддат тўхтади. Аммо орадан бир ойча вақт ўтгач, яна бошланди. Тоқатим-тоқ бўлиб Жамол Воҳидов ва Бахтиёр Розиқовлар фаолиятига қонуний баҳо беришни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судига даъво ариза билан мурожаат қилдим. Яна бир гап. Фуқаролик суди иш кўраётган пайтда Бахтиёр Розиқов билан Жамол Воҳидовлар ерга эгалик ҳуқуқини берувчи ҳеч қандай ҳужжати бўлмасдан қарши даъво ариза беришганини қандай изоҳлаш керак? «Иш» ниҳоясига етмай туриб, «5-сон қурилиш трести майдони» ОАЖ директори Ж.Саъдуллаев даъво ариза билан хўжалик судига мурожаат қилади. Даъвогар собиқ Темирйўл туман ҳокимининг 2000 йил 29 декабрдаги қарорини бекор қилиб, ер ва омборхонани давлат эгалигига қайтаришни сўраган.

Энди савол туғилади. Хўш, нега орадан етти йил (!) ўтгач, сотувчи, яъни «5-сон қурилиш трести майдони» раҳбари харидор — «Зайнаб» ШИЧСФдан омборхонани қайтариб олиш тараддудига тушиб қолди? Бунинг сабаби нима?!

Самарқанд вилоят хўжалик судининг 2007 йил 26 февралдаги ҳал қилув қарорида шундай сўзлар ёзилган:

«Собиқ Темирйўл туман ҳокимининг 2000 йил 29 декабрдаги «5-сон қурилиш трести майдони» ОАЖга берилган ер майдонидан 0,44 га ерни «Зайнаб» шахсий ишлаб чиқариш тижорат фирмасига бириктириш тўғрисидаги 541-К сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилсин». 2007 йил 11 майда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди кассация инстанцияси «Зайнаб» ШИЧСФнинг шикоятини қисман қаноатлантириб, Самарқанд вилоят хўжалик судининг 2007 йил 26 февралдаги ҳал қилув қарори ва хусусий ажримини бекор қилиб, иш юритишни тугатди. Сабаб, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексида низо хўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмаса, хўжалик суди иш юритишни тугатиши кўрсатилган.

Шу орада яна бир даъвогар пайдо бўлди. Бу гал 2007 йил 18 майда давлат мулки қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Норбоев вилоят хўжалик судига «5-сон қурилиш трести майдони» ОАЖ билан «Зайнаб» ШИЧСФ ўртасидаги 2000 йил 20 ноябрдаги 1/20-сонли шартномани ҳақиқий эмас, деб топиш ва ноқонуний бегоналаштирилган мулкларни давлат эгалигига қайтариш тўғрисида даъво ариза киритади. Суд даъвогар даъвосини қаноатлантирди. Шундан кейинги «ёз-ёз»лар билан бу иш 2008 йил 12 майда Олий хўжалик судининг кассацияси инстанциясида кўрилди. Низо фуқаролик судига тегишли эканлиги сабабли, Самарқанд вилоят хўжалик судининг 2008 йил 28 январдаги ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш юритиш яна тугатилди...

Хўш, собиқ Темирйўл тумани ҳокимининг 2000 йил 29 декабрдаги «Зайнаб» ШИЧСФга доимий фойдаланиш учун 0,44 га ер ажратиш тўғрисидаги қарори асоссиз эдими? Ер майдони ва омборхона Самарқанд шаҳар ер муносабатлари ва бино иншоотлари давлат кадастр бошқармасидан рўйхатдан ўтказилиб, тегишли гувоҳнома берилган-ку! Даъвогарлар қайта-қайта таъкидлаганларидек, ҳақиқатан ҳам ўша 2000 йил 29 декабрдаги қарор Самарқанд шаҳар ҳокимининг 2000 йил 20 июндаги қарорига зидми? Қўлимизда эса Самарқанд вилоят ҳокими ўринбосарининг 2007 йил 14 апрелдаги хати бор. Унда жумладан, шундай ёзилган:

«Ўрганиш натижаси шуни кўрсатдики, шаҳар ҳокими томонидан 2000 йил 20 июнда «Самарқанд шаҳар ҳудудида қурилишлар учун ер участкалари ажратишни тартибга солиш тўғрисида»ги 386-Қ сонли қарори ваколат доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 27 апрелдаги 165-сонли «Архитектура ва қурилиш соҳасидаги ишларни ташкил этиш ва назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда шаҳар ҳудудида жойлашган қуйи собиқ Боғишамол, Темирйўл ва Сиёб тумани ҳокимликлари томонидан шаҳарнинг марказий қисми ва меъморий мажмуаларини режали шакллантириш, тарихий маданий обидаларни қайта таъмирлаш, транспорт магистраллари, муҳандислик тармоқларини, ижтимоий ва маиший инфратузилмаларни комплекс ривожлантириш, шаҳарсозлик талабларини бузиш ҳолларининг олдини олиш мақсадида қабул қилинган.

Собиқ Темирйўл тумани ҳокими томонидан 2000 йил 29 декабрдаги 541-Қ сонли қарори 1993 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси, 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6-моддаси, 20-моддаси, 21-моддаси ва 36-моддаларида кўзда тутилган талаблари доирасида Самарқанд шаҳрида жойлашган «Зайнаб» ишлаб чиқариш фирмасига ер майдони биркитиб бериш тўғрисида қабул қилинган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Самарқанд шаҳар ҳокимининг 2000 йил 20 июндаги 386-Қ сонли ва собиқ Темирйўл туман ҳокимининг 2000 йил 29 декабрдаги 541-Қ сонли қарорлари бир-бирига зид эмаслиги аниқланди».

Хўш, бунга нима дейсиз? Дейлик, собиқ Темирйўл туман ҳокимининг 2000 йил 29 декабрдаги қарори ноқонуний чиқарилган бўлсин. Унда Самарқанд шаҳар ҳокимининг 2004 йил 29 мартдаги Бахтиёр Розиқовга ер ажратиш тўғрисидаги қарорини ҳам бекор қилиш керак эмасми? Мантиқ қани бу ерда? Масаланинг туб моҳиятига етиб борадиган бўлсак, аслида Самарқанд шаҳар ҳокимининг 2000 йилдаги қарорида собиқ учта туман ҳокимликларига барча объектларни лойиҳалаштириш ва қуриш учун ер участкаси танлаш ва ажратиш ман этилган. Ушбу қарор шаҳарнинг марказий қисмига тегишли бўлиб, унинг ишлаб чиқариш (саноат ҳудуди) ҳудудида жойлашган «Зайнаб» ШИЧСФга умуман алоқаси йўқ. «Зайнаб» тайёр бинони сотиб олганидан кейин унга ер участкаси ажратилган.

Олди-сотди масаласи хусусида тўхталадиган бўлсак, шуни қайд этиш керакки, томонлар ўзаро келишиб шартнома имзолашган. Бунда Хусусийлаштиришга кўмаклашиш консалтинг маркази Самарқанд вилоят бўлимининг «5-сон қурилиш трести майдони» ОАЖга қарашли омборхона-айвон биносини баҳолаш бўйича хулосаси асос бўлган. Шу ўринда адвокат А.Ташиновнинг фикрлари билан танишсак:

— «5-сонли қурилиш трести майдони» ОАЖнинг расман тасдиқланган Устави мавжуд бўлиб, унда жамият мол-мулкини тасарруф этишда давлат мулк қўмитасининг розилигини олиш лозимлиги кўрсатилмаган. Аксинча, Уставда жамият ўз мулкини ўзи тасарруф этиши, йирик битимларни тузиш тартиби ва жамият раисининг ваколатлари аниқ кўрсатилган. Ўша пайтдаги жамият раҳбари умумий баҳоси 1.318.356 сўм бўлган мулкни сотиш тўғрисидаги шартномани имзолашда ўз ваколатидан четга чиқмаган. Чунки ўшанда жамиятнинг устав фонди жами 55 525 000 сўм бўлган ва сотилган айвон қайта нархлангандан кейин устав фондининг 2,4% ни ташкил этган холос. Агар даъвогар жамият раҳбари ўша пайтдаги ОАЖ активининг 5% дан ортиқ бўлган суммадаги битимни имзолаган демоқчи бўлса, марҳамат, бунга асосли далил келтирсин.

— Бир нарсага ҳайронман, — дейди Юсуф Мамаризаев куюниб. — Нега орадан етти йил ўтиб, улар мен қонуний ҳужжатлаштириб олган омборхона ва ерни қайтариб олиш учун бунчалик «жон куйдиришяпти».

Дарҳақиқат, унинг даъвосида мантиқ бор. Назаримизда, бу масалани тегишли идоралар холис кўриб чиқиши зарурга ўхшайди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари ўтказиладиган кимошди савдоларига шу йилнинг 9 сентябридан

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 6-А уйда жойлашган Toshkent shahar Davlat soliq boshqarmasi Yakkasaroy tumani inspektsiyasi тасарруфидаги 1996 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 10 АР 051 бўлган «Эсперо» русумли автотранспорт воситаси 9 000 000 сўм бошланғич баҳо билан аукцион савдоларига қўйилишини маълум қилади.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар ***Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уй***да ўтказилади.

Телефон: 233-02-49.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

«Навоий давлат педагогика институти ўқув биносини капитал таъмирлаш» объекти бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ишларнинг тугалланиш муддати — **3 ой.**

Буюртмачи — Навоий давлат педагогика институти.

Манзили: Навоий шаҳар, В.Булат кўчаси, 27-уй.

Лойиҳани молиялаштириш давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ва мутахассислар захираларининг мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Навоий вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича: **Навоий шаҳар, С.Айний кўчаси, 32-уй, тел: (436) 225-53-85** мурожаат қилишлари мумкин.

Ҳужжатлар бир тўпламининг қиймати — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

ЗАРАФШОН ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

қуйидаги иншоотларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи	Қурилиш муддати
1	Булунғур туманидаги «Шўрбедона» хўжаликлараро зовурида тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	100 172 596 сўм	5,5 ой
2	Нарпай туманидаги «Чархкент» зовурида тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари (иккинчи босқичи)	134 250 668 сўм	5,5 ой
3	Иштихон туманидаги «Хожа» зовурида тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари (иккинчи босқичи)	81 496 844 сўм	5,5 ой

Қурилиш ишлари Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Зарафшон Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология мелиоратив экспедицияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 70-уй, телефон: (8366) 234-04-34.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Оферталар савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 15 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонида, соат 10.00 да Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

3-СОНЛИ БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР СПОРТ МАКТАБИ

«Навоий шаҳридаги 3-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби биносини капитал таъмирлаш» объекти бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ишларнинг тугалланиш муддати — **2 ой.**

Буюртмачи — 3-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби.

Манзили — Навоий шаҳар, Б.Равшанов кўчаси, 48-уй.

Лойиҳани молиялаштириш маҳаллий маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ва мутахассислар захираларининг мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси— **Навоий вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича: **Навоий шаҳар, С.Айний кўчаси, 32-уй,**

тел: (436) 225-53-85 мурожаат қилишлари мумкин.

Ҳужжатлар бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

ВАТАН СИЗЛАРДАН ҒАЛАБА КУТАДИ!

XXIX ёзги Олимпия ўйинларида мустақил Ўзбекистоннинг 58 нафар йигит-қизи спортнинг ўн беш тури бўйича медаллар учун кураш олиб боради.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

БОКС

Рафиқжон СУЛТОНОВ
1988 йил 19 февралда туғилган.
48 кг. вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони, халқаро турнирлар совриндори.
Спорт устаси.
Мураббийлари — А.Бекмуродов, К.Тожибоев.

Тўлашбой ДОНИЁРОВ
1981 йил 30 мартда туғилган.
51 кг. вазн тоифасида кўп карра Ўзбекистон чемпиони, Осиё чемпионати совриндори.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Сидней ва Афина олимпиадалари иштирокчиси.
Мураббийлари — Л.Қўчқоров, У.Сиддиқов.

Хуршид ТОЖИБОЕВ
1989 йил 13 ноябрда туғилган.
54 кг. вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони.
Спорт устаси.
Мураббийлари — Б.Мирзақулов, М.Маҳмудов.

Баҳодиржон СУЛТОНОВ
1985 йил 15 январда туғилган.
57 кг. вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби, Афина олимпиадаси бронза медали совриндори.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Мураббийлари — А.Абдуллаев, В.Золатарёв.

Дилшод МАҲМУДОВ
1982 йил 30 ноябрда туғилган.
69 кг. вазн тоифасида Осиё чемпиони, Осиё ўйинлари бронза ҳамда жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Мураббийлари — Х.Деҳқонов, У.Сиддиқов.

Элшод РАСУЛОВ
1986 йил 7 мартда туғилган.
75 кг. вазн тоифасида ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Мураббийлари — Н.Бойматов, М.Маҳмудов.

Аббос АТОЕВ
1986 йил 7 июнда туғилган.
81 кг. вазн тоифасида ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати совриндори, катталар ўртасида жаҳон чемпиони.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Мураббийлари — О.Муҳамедов, М.Маҳмудов.

ЭРКИН КУРАШ

Дилшод МАНСУРОВ
1983 йил 12 декабрда туғилган.
55 кг. вазн тоифасида икки карра жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Мураббийлари — Н.Жаксиликов, М.Рўзиев.

Сослан ТИГИЕВ
1983 йил 12 октябрда туғилган.
74 кг. вазн тоифасида жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Осиё ўйинлари совриндори.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Мураббийи — С.Аҳмедов.

Заурбек СОХИЕВ
1986 йил 1 июнда туғилган.
84 кг. вазн тоифасида жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Осиё ўйинлари совриндори.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Мураббийлари — М.Рўзиев, А.Очилов.

Курбон ҚУРБОНОВ
1985 йил 21 мартда туғилган.
96 кг. вазн тоифасида жаҳон ва қитъа чемпионатлари совриндори.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Мураббийи — М.Рўзиев.

Артур ТАЙМАЗОВ
1979 йил 20 июлда туғилган.
120 кг. вазн тоифасида икки карра жаҳон чемпиони, 2000 йилги Сидней олимпиадаси кумуш, 2004 йилги Афина олимпиадаси олтин медали соҳиби, Осиё ўйинлари ғолиб ва совриндори.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Мураббийлари — М.Рўзиев, С.Абдувалиев.

ЮНОН-РУМ КУРАШИ

Ильдар ҲАФИЗОВ
1988 йил 30 январда туғилган.
55 кг. вазн тоифасида Осиё чемпиони.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Мураббийлари — Р.Биктяков, Г.Абдуллаев.

Дилшод ОРИПОВ
1977 йил 20 майда туғилган.
60 кг. вазн тоифасида қитъа чемпиони, Осиё ўйинлари совриндори.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Мураббийлари — К.Фаткуллин, З.Гарипов.

Давид СОЛДАДЗЕ
1978 йил 15 февралда туғилган.
120 кг. вазн тоифасида жаҳон чемпионати совриндори.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Мураббийлари — К.Фаткуллин, Р.Қудратов.

СУЗИШ

Данил БУГАКОВ
1988 йил 29 январда туғилган.
Ўзбекистон чемпиони.
У Пекинда 100 метрга брасс ҳамда 200 метрга комплекс усулларидаги сузиш баҳсларида қатнашади.
Мураббийлари — Н.Обухова, Г.Бугаков.

Пётр РОМАШКИН
1989 йил 5 июлда туғилган.
Ўзбекистон кубоги соҳиби.
У Пекинда 100 метрга эркин усулда сузиш баҳсларида қатнашади.
Мураббийлари — Д.Галандинова, Т.Мамунов.

Иван ДЕМЬЯНЕНКО
1989 йил 23 апрелда туғилган.
Ўзбекистон чемпиони ва халқаро турнирлар совриндори.
У Пекинда 100 метрга брасс усулида сузиш баҳсларида қатнашади.
Мураббийи — Н.Обухова.

Тимур ЭРГАШЕВ
1984 йил 4 июлда туғилган.
Ўзбекистон чемпиони.
У Пекинда 400 метрга эркин усулда сузиш баҳсларида қатнашади.
Мураббийлари — Р.Усмонов, Д.Галандинова.

Сергей ПАНЬКОВ
1988 йил 2 декабрда туғилган.
Ўзбекистон чемпиони
У Пекинда 200 метрга чалқанча усулда сузиш баҳсларида қатнашади.
Мураббийи — Д.Паньков.

Иброхим НАЗАРОВ
1988 йил 17 апрелда туғилган.
Ўзбекистон чемпиони, мамлакат кубоги совриндори.
У Пекинда 200 метрга эркин усулда сузиш баҳсларида қатнашади.
Мураббийи — Д.Галандинова.

Мария БУГАКОВА
1985 йил 6 июлда туғилган.
Ўзбекистон чемпиони.
У Пекинда 50 метрга эркин усулда сузиш баҳсларида қатнашади.
Мураббийлари — Н.Обухова, Г.Бугаков.

Ирина ШЛЕМОВА
1984 йил 25 мартда туғилган.
Ўзбекистон кубоги соҳиби.
У Пекинда 100 метрга эркин усулда сузиш баҳсларида қатнашади.
Мураббийлари — Д.Галандинова, И.Анихенко.

Ольга ГНЕДОВСКАЯ
1989 йил 15 августда туғилган.
Ўзбекистон чемпиони.
У Пекинда 100 метрга брасс усулда сузиш баҳсларида қатнашади.
Мураббийлари — З.Ермилова, Т.Лягина.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Леонид АНДРЕЕВ
1983 йил 6 октябрда туғилган.
Лангарчўп билан сакраш бўйича Ўзбекистон чемпиони.
Мураббийи — В.Коган.

Павел АНДРЕЕВ
1978 йил 24 ноябрда туғилган.
Ўнкураш бўйича Ўзбекистон чемпиони ва халқаро турнирлар совриндори.
Мураббийи — В.Андреев.

Надия ДУСАНОВА
1987 йил 17 ноябрда туғилган.
Баландликка сакраш бўйича Ўзбекистон чемпиони.
Мураббийлари — В.Лебединская, А.Попов.

Виталий СМИРНОВ
1978 йил 25 октябрда туғилган.
Ўнкураш бўйича қитъа чемпиони ҳамда Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори.
Мураббийлари — В.Коган, Г.Казаков.

Анастасия ЖУРАВЛЁВА
1981 йил 9 октябрда туғилган.
Уч ҳатлаб сакраш бўйича Осиё чемпионати ва Осиё ўйинлари совриндори.
Мураббийи — В.Казаков.

Анастасия СВЕЧНИКОВА
1992 йил 20 сентябрда туғилган.
Найза улоқтириш бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпиони.
Мураббийи — Е.Свечникова.

Бобур ШОКИРЖОНОВ
1990 йил 5 декабрда туғилган.
Найза улоқтириш бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпиони.
Мураббийи — Е.Свечникова.

Олег НОРМАТОВ
1981 йил 4 сентябрда туғилган.
110 метрга тўсиқлар оша югуриш бўйича Ўзбекистон чемпиони.

Светлана РАДЗИВИЛ
1987 йил 17 январда туғилган.
Баландликка сакраш бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони.
Мураббийи — В.Андреев.

Гузел ХУББИЕВА
1976 йил 2 майда туғилган.
100 ва 200 метрга югуриш бўйича Осиё чемпионати совриндори, Осиё ўйинлари ғолиби.
Мураббийи — Е.Квятковская.

Олег ЖУРАВЛЁВ
1982 йил 17 майда туғилган.
200 метрга югуриш бўйича Ўзбекистон чемпиони.

Юлия ТАРАСОВА
1986 йил 13 мартда туғилган.
Еттикураш бўйича Ўзбекистон чемпиони ва халқаро турнирлар совриндори.

ТРАМПОЛИН

Екатерина ХИЛЬКО
1982 йил 25 мартда туғилган.
Жаҳон кубоги ва Осиё ўйинлари совриндори.
Мураббийи — Е.Федоренчик.

СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ

Антон ФОКИН
1982 йил 13 ноябрда туғилган.
Жаҳон кубоги совриндори.
Мураббийи — Ш.Мамадалиев.

Луиза ГАЛИУЛИНА
1992 йил 23 июнда туғилган.
Ўзбекистон чемпиони ва халқаро турнирлар ғолиби.
Мураббийи — С.Кузнецова.

ТАЭКВОНДО (ВТФ)

Евгения КАРИМОВА
1989 йил 12 июнда туғилган.
+67 кг. вазн тоифасида Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори.
Мураббийлари — А.Ким, А.Фармонов.

Дмитрий КИМ
1989 йил 7 октябрда туғилган.
68 кг. вазн тоифасида жаҳон чемпионати бронза медали совриндори.
Мураббийлари — Л.Чжен, Э.Хегай.

Акмал ЭРГАШЕВ
1982 йил 16 декабрда туғилган.
+81 кг. вазн тоифасида Осиё чемпиони.
Мураббийлари — Б.Қўзиев, Д.Ким.

ДЗЮДО

Ришод СОБИРОВ
1986 йил 11 сентябрда туғилган.
60 кг. вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони.
Мураббийи — Б.Григорьев.

Мирали ШАРИПОВ
1987 йил 30 октябрда туғилган.
66 кг. вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони ва халқаро турнирлар совриндори.
Мураббийлари — Э.Даниелян, Х.Қосимов.

Шокир МЎМИНОВ
1983 йил 17 февралда туғилган.
73 кг. вазн тоифасида ёшлар ўртасида Осиё чемпиони, Осиё ўйинлари совриндори.
Мураббийлари — С.Мурадасилов, Б.Писаревский.

Хуршид НАБИЕВ
1985 йил 11 августда туғилган.
90 кг. вазн тоифасида Осиё чемпионати совриндори.
Мураббийи — Ж.Шодмонов.

Ўткир ҚУРБОНОВ
1983 йил 3 февралда туғилган.
100 кг. вазн тоифасида Осиё ўйинлари ва Осиё чемпионати совриндори.
Мураббийлари — Ж.Шодмонов, А.Штурбабин.

Абдулла ТАНГРИЕВ
1981 йил 28 мартда туғилган.
+100 кг. вазн тоифасида Осиё чемпиони ва жаҳон чемпионати совриндори.
Мураббийи — В.Пятаев.

Зинура ЖЎРАЕВА
1985 йил 26 сентябрда туғилган.
52 кг. вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони ва халқаро турнирлар совриндори.
Мураббийи — Н.Киямова.

Мария ШЕКЕРОВА
1988 йил 9 декабрда туғилган.
+78 кг. вазн тоифасида Осиё чемпиони.
Мураббийи — Н.Киямова.

ТЕННИС

Оқгул ОМОНМУРОДОВА
1984 йил 23 июнда туғилган.
Осиё чемпиони ва Осиё ўйинлари совриндори.
Мураббийи — С.Обидов.

ВЕЛОСПОРТ

Сергей ЛАГУТИН
1981 йил 14 январда туғилган.
«Тур де Корея» Гран-при турнири олтин медали соҳиби.
Мураббийи — Б.Мўминов.

ОҒИР АТЛЕТИКА

Шерзоджон ЮСУПОВ
1982 йил 10 октябрда туғилган.
77 кг. вазн тоифасида Осиё чемпиони ва Осиё кубоги совриндори.
Мураббийлари — Ш.Шахназаров, Ж.Топжу.

Мансурбек ЧАШЕМОВ
1983 йил 22 июнда туғилган.
85 кг. вазн тоифасида Осиё кубоги соҳиби.
Мураббийлари — Х.Тоғаев, Ш.Маҳмудов.

ЎҚ ОТИШ

Дилшод МУХТОРОВ
1975 йил 4 январда туғилган.
Тўппончадан ўқ отиш бўйича жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори.
Мураббийлари — А.Сеттаров, В.Пуляев.

Елена КУЗНЕЦОВА
1982 йил 1 августда туғилган.
Милтиқдан ўқ отиш бўйича Осиё чемпиони.
Мураббийлари — А.Сеттаров, А.Давидов.

АКАДЕМИК ЭШКАК ЭШИШ

Руслан НАУРЗАЛИЕВ
1984 йил 21 декабрда туғилган.
Осиё ўйинлари ғолиби.
Мураббийлари — В.Чекменов, А.Бахромов.

БАЙДАРКА ВА КАНОЭДА ЭШКАК ЭШИШ

Вадим МЕНЬКОВ
1987 йил 12 июлда туғилган.
Осиё ўйинлари ғолиби.
Мураббийлари — М.Миербеков, А.Пономарёв.

ХИТОЙ — МЎЪЖИЗАЛАР ЮРТИ

Чин юртида олимпиадани ўтказиш учун 37 та спорт иншооти ҳозирлаб қўйилган. Ареналарнинг 31 таси Пекинда жойлашган бўлса, қолган баҳслар Гонконг, Циндао, Тяньцзинь, Циньхуцандао, Шанхай ва Шэньян шаҳарларидаги 6 та спорт мажмуида ўтказилади. Мусобақанинг тантанали очилиши Хитойда омад рақами ҳисобланадиган «8» сони билан боғлиқ. Маросим 2008 йилнинг тартиб бўйича 8-ойи — августнинг 8-санасида маҳаллий вақт билан соат 08:08:08 да бошланади.

Жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида олиб кўрсатиладиган XXIX ёзги Олимпиаданинг очилиш маросими «Қуш уяси» номини олган стадионда бўлиб ўтади. Стадион Пекин олимпиадасининг асосий аренаси бўлиб, 5 йил давомида қуриб битказилган. Қуш уясини эслатувчи, 91 минг томошабинни сиғдира оладиган мазкур спорт иншооти швейцариялик дунёга машҳур меъморлар Жак Херцог ҳамда Пьер де Мероннинг ўзига хос ва ноёб тасаввури маҳсулидир. Стадионнинг узунлиги 330 метр, эни 220 метр, баландлиги 70 метрни ташкил қилади. XXIX ёзги Олимпия ўйинлари ташкилотчилари «Қуш уяси» стадионининг қурилишига 430 миллион доллар сарфлашди.

Стадион нафақат ғаройиб ташқи дизайнга эга, балки бир неча муҳандислик ғоялари билан бойитилган. Жумладан, томи енгил ҳаракатга кела олади ва мухлисларни шаррос ёмғирдан, кучли чақмоқдан ва жазирама иссиқдан ҳимоя қилади. Бундан ташқари Миллий Гимназиум, Олимпия бассейни, Олимпия қишлоғи ҳамда маданият ва спорт маркази — Олимпия қурилишининг биринчи навбатдаги асосий спорт иншоотларидир. Жами қурилиш ишларига 2,1 миллиард доллар (17,4 млрд. юан) маблағ сарфланди. Пекинда 31 та, пойтахтдан ташқарида 6 та Олимпия иншоотлари қурилди.

Пекин олимпиадаси рамзи «Рақсга тушаётган Пекин» деб аталади ва у 2003 йилнинг августида яратилган. Эмблемадан Хитой учун анъанавий элементлар жой

олган: қизил фон ва каллиграфик ёзилган иероглиф спортчи фигурасини эслатади. 2005 йилнинг ноябрида Олимпия ўйинларининг очилишига роппа-роса 1000 кун қолганда мусобақаларнинг расмий тимсолига Фува («Омад фарзандлари») деб ном берилди. Бу Хан Мэй Лин бошчилигидаги 9 нафар хитойлик рассомлар тасаввурининг натижаси эди. Хитой фалсафасига кўра, «Омад фарзандлари»нинг сони бештадир: Бэй-Бэй, Цзин-Цзин, Хуань-Хуань, Ин-Ин ва Ни-Ни. Улар мовий балиқ, қора панда, қизил аланга, сариқ тибет антилопаси ҳамда яшил қалдирғочни акс эттиради. Ҳар бир исмнинг биринчи бўғини талаффуз қилинганда, «Бэйцзин хуаньин ин!» жумласи келиб чиқади ва у таржима қилинганда «Пекинга хуш келибсиз!» маънисини беради. 2005 йилнинг 26 июнида эса, Пекин олимпиадаси ташкилий қўмитаси «Ягона олам — ягона орзу» жумласи ўйинларнинг расмий шиори бўлишини эълон қилди.

XXIX ёзги Олимпия ўйинлари очилиш маросими 8 август куни ўтказилади. Аммо футбол бўйича мусобақалар 6 августда бошланади. 2007 йилнинг 8 августида маҳаллий вақт билан соат 08:08:08 да Пекин марказий майдонидаги экран олимпиада бошланишигача қолган кунларни кўрсата бошлаган эди.

XXIX ёзги Олимпия ўйинлари дастури 2004 йилги Афина мусобақаларига ўхшаб кетади. Пекин олимпиадасида спортнинг 31 турида эркаклар ўртасида 165, аёллар ўртасида 127, аралаш жуфтликлар ўртасида 10, жами 302 комплект медаллар учун кураш олиб борилади. Олимпиадада янги 9 дастур, жумладан, велоспортда BMX пайдо бўлади. Аёллар илк бор енгил атлетиканинг 3000 метрли тўсиқлар оша югуриш турида беллашишади. Стол теннисида эркаклар ва аёллар ўртасидаги жуфтлик мусобақалари жамоавий баҳсларга алмаштирилди. Қиличбозлик бўйича аёллар ўртасида рапира ва саблядаги жамоавий мусобақалар эркакларнинг жамоавий рапира ҳамда аёлларнинг жамоавий шпагасига алмаштирилди. Парус спортида аёлларнинг «Европа» классидаги регатаси «Лазер Радиал»га, ҳам эркаклар, ҳам аёллар ўртасида «Мистраль» классидаги регаталар «Neil Pryde RS:X» типидаги пойгаларга алмаштирилди. Шунингдек, аёллар ўртасида софтбол мусобақалари сўнгги маротаба ўтказилади.

Умида АБДУЛЛАЕВА тайёрлади.

(Газетамизнинг навбатдаги сони 12 август, сешанба куни чиқади).

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749
7962 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 22.20
1 2 3 4 5 6 7

Sotuvda erkin narxda